

---

## Турк маҳалласида янги ёшлар меҳнат гузари фойдаланишга топширилди

Бугунги кунда Муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бериб, инсон қадрли тобора улуғланиб, аҳоли турмуш тарзи янада яхшиланиб яхшиланиб бормоқда.

Тадбирдорлик фаолиятига кенг йўл очилгани, бунинг учун қатор имкониятлар ва шароитлар яратиб берилгани натижасида бугунги кунда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолияти сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган Шухратжон Умаралиев ўзи яшаб турган қишлоқ ҳудудида 400,0 млн.сўм маблағ ҳисобига янги “Ёшлар меҳнат гузари” қуриб битказиб фойдаланишга топширди.

Қад ростлаган ушбу масканда бугун 15 нафар ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланиб, нонвойхона, сартарошхона, косибхона, савдо дўкони, зиё маскани, умумий овқатланиш маскани каби хизматлар соҳаси ўз иш фаолиятини бошламоқда.

Муборак кунларда очилиш маросими муносабати билан ташкил этилган ифторлик тадбирида сектор раҳбарлари, маҳалла фаоллари, кам таъминланган оила вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар ушбу масканнинг ҳудуд аҳолисига узоқ йиллар хизмат қилишини тилаб дуо фотиҳалар қилдилар.

2023-04-03 20:35:10